

Иқтисодий масала ҳар бир жамиятда муҳимдир



14:00 / 03.05.2020 2372

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

﴿عَلِيمٌ وَاسِعٌ وَاللَّهُ يَشَاءُ لِمَنْ يُّضْعَفُ وَاللَّهُ حَبِيبٌ مَائَةٌ سُنْبُلَةٍ كُلِّ فِي سَنَابِلٍ سَبْعَ أُنْبُتَاتٍ حَبَّةٌ كَمَثَلِ اللَّهِ سَبِيلٍ فِي أَمْوَالِهِمْ يُنْفِقُونَ الَّذِينَ مَثَلُ

Молларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайдиганларнинг мисоли худди ҳар бошоқда юзтадан дони бор, етти бошоқни ўстириб чиқарадиган бир донга донга ўхшайдир. Ва Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисига янада кўпайтириб берадир. Ва Аллоҳ қамрови кенгдир, ўта билувчидир. (Бақара сураси, 261-оят).

Иқтисодий масала ҳар бир жамиятда муҳим ўрин тутди. Ислонда ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир жамиятда ижтимоий

тенглик ҳукм суриши учун иқтисодий жиҳатдан етарли имконга эга бўлган шахслар ўзларининг бу соҳадаги ночор биродарларига молиявий ёрдам қилиб туришлари керак. Шу нуқтаи назардан Исломда фарз, вожиб қилинган закот, садақаи фитр каби молиявий ибодатлардан ташқари, имкони бор кишиларни ихтиёрий хайр-эҳсон қилиб туришга ҳам қаттиқ тарғиб қилинади. Бу ишнинг аҳамияти нечоғли эканини унинг Қуръони Каримда «Аллоҳнинг йўлида мол сарфлаш» деб аталишиданоқ билса бўлади.

«Молларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайдиганларнинг мисоли худди ҳар бошоқда юзтадан дони бор, етти бошоқни ўстириб чиқарадиган бир дон донга ўхшайдир».

Демак, камбағал кишига молиявий ёрдам берган киши ёки жамоат фойдасига пул сарфлаган одам Аллоҳнинг йўлида мол сарфлаган бўлади.

Аллоҳнинг йўлида мол сарфлашнинг фойдаси ушбу оятда ажойиб услубда васф қилинмоқда. Сиртдан қараганда, хайр-эҳсон қилган кишининг мол-дунёси камайганга ўхшайди. Аслида эса хайр-эҳсон худди ерга экилиб, ўзини фидо қилган бир донга ўхшайди. Ўша бир дон дон кейинчалик униб чиқиб, кўпайганидек, хайр-эҳсон қилинган мол ҳам бир неча чандон кўпайиб кетади. Уни Аллоҳнинг Ўзи кўпайтириб беради. Донни мисол келтиришдан мурод Аллоҳнинг йўлида сарф қилинган битта нарса етти юзтага кўпайишига урғу беришдир. Аммо бу ҳам охирги чегара эмас:

«Ва Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисига янада кўпайтириб берадир».

Демак, Аллоҳ таолонинг йўлида сарфланган бир дон молнинг савоби етти юз марта кўпайтириб берилиши ҳам охирги чегара эмас. Аллоҳ таоло хоҳласа, етти юздан яна неча чандонга кўпайтириб бераверади. Чунки

«Ва Аллоҳ қамрови кенгдир, ўта билувчидир».

У Зотнинг қамрови кенг, Ўз қамровидаги мулкидан қай бандасига қанча беришини Ўзи яхши билади. У Зот ҳар бир нарсани ўта яхши билувчидир.

«Тафсири Ҳилол» китобидан